102

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SAMARKAND VILOYATI
OQDARYO TUMANI
HOKIMI

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САМАРКАНД ВИЛОЯТИ
ОКДАРЁ ТУМАН
ХОКИМИ

# QAROR.

«16» ноябр 2006 йил №908 К

**Ахолига якка тартибда уй-жой куриш учун ер майдони ажратиш тугрисида.**

Узбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 26-27-моддаларига асосан хамда туман хокимлиги кошидаги ер танлаш ва ажратиш комиссиясининг 2006 йил 18-октябрдаги далолатномаси ва «Янгиравот» махалла фукаролар йигинининг 2006 йил 16-мартдаги маълумотномаларини хамда фукаролар Саломов Тохир, Исмоилов Акмал, Исмоилов Акбар ва Саломов Шамшиддинларнинг туман хокими номига ёзган аризаларини куриб чикиб

**К А Р О Р К И Л А М А Н :**

1.Туман хокимлиги кошидаги ер танлаш ва ажратиш комиссиясининг 2006 йил 18-октябрдаги, «Зарафшон» мавзесининг кишлок хужалигида фойдаланилмайдиган 182а-контур ерлари хисобидан фукаролар Саломов Тохир, Исмоилов Акмал, Исмоилов Акбар ва Саломов Шамшиддинларга якка тартибда уй-жой куриш учун 0,50 гектар ер майдони ажратиш тугрисидаги далолатномаси тасдиклансин.

2.Туман бош архитектори (С.Абдурахмонов)га ахолига якка тартибдаги уй-жойларни куриш учун ажратилган ер майдонига бош режа асосида уй-жойларни курилишини назорат килиш юклатилсин.

3.Туман якка тартибдаги уй-жойларни мувофиклаштириш булими (С.Сайидмуродов)га якка тартибда уй-жой курувчиларга ер участкаларини булиб буришда, уй-жойларни паспортини расмийлаштириб бериш, янги курилаётган уй-жойларга мухандислик тармоклари (сув, свет, газ, йул ва бошкалар)ни лойихалаш ва куришга амалий ёрдам бериш топширилсин.

4.Мазкур карорнинг бажарилишини назорат килиш туман хокимининг биринчи урибосари Ш.Нарзиевга юклатилсин.

5.Ушбу карорни тасдиги вилоят хокимидан суралсин.

**Туман хокими:-** S. Negmatov **Ш.Негматов**